




Анкара жанги (туркча-Ankara Muharebesi) – 1402 йил 20 июл куни Усманийлар султони Боязид I ва Турон амири Темур ўртасида Анкара атрофида бўлиб ўтган жанг. Мазкур жангда Амир Темур кўшни Йилдирим Боязид кўшинларини тор-мор этган. Натижада усмонийлар салтанати вақтинча йўқ қилинган.

Кўшинлар

Усманийлар салтанати кўшини номунтазам оғир отлик аскарлар – сипохийлар, номунтазам пиёда аскарлар – яя ва мусалламлар, шунингдек кўнгиллилар бўлинмаси – дели ва войнуқлардан (балкан вилоятларининг кўнгиллилари) ташкари султоннинг доимий гвардияси – “Капикулу”дан (Сарой кўрикчилари) ташкил топган бўлиб, таркибининг бир қисми яничарлар (пиёда аскарлар) корпуси ва капикулу сипохийларидан (оғир отлик аскарлар) иборат бўлган.

Усмонийларнинг яничарлар ва ишончли серблардан иборат шахсий кўшинидан ташкари, Боязиднинг армияси ўз ичига у томонидан ўн йил илгари тугатилган майда давлат – бейликларининг аскарларини ва мўғиллар давриданок Кичик Осиёга карашли бўлган татар отлик гурухларини олган [2].

Ўз аждодларининг бой тажрибасига таянган холда Амир Темур жанг майдонларида ўз ракиблари устидан койилмаком галабалар козиноишини таъминлай оладиган кувватли ва жанговор армия ташкил қилишнинг уддасидан чикканди. Бу армия кўпмиллатли ва турли дин вакилларида иборат уюшма эди ва унинг ўзагини турклар, кўчманчи – аскарлар ташкил этарди. Темурнинг кўшинлари отлик ва пиёдага бўлинганди ва XIV—XV асрларда унинг ўрни чегара худудларда жуда ошиб кетди. Шунга карамасдан, кўшиннинг асосий қисмини кўчманчиларнинг отлик гурухлари ташкил этган. Уларнинг негизи эса огир курулланган сара отлик аскарлар бўлинмалари, шунингдек Амир Темурнинг хос сокчиларидан иборат гурухдан иборат эди. Пиёда кўшинлар аксар холларда ёрдамчи вазифасини ўтаган, лекин улар калъаларни камал қилишда зарур бўлган. Пиёда аскарларнинг кўп қисми енгил курулланган бўлиб, улар, асосан, камондан ўк отувчилардан иборат бўлган, лекин кўшинда, шунингдек, пиёдаларнинг огир курулланган зарба гурухлари ҳам бўлган.

Темур армиясида асосий кўшин турларида (огир ва енгил отликлар, шунингдек пиёдалар) ташкари понтончи (кўчма кўприк қуриш билан шугулланувчи харбий хизматчи), мухандис ва бошқа мутахассислардан иборат гурухлар, шу билан бирга тоғ шароитидаги харбий ҳаракатларга ихтисослашган махсус пиёда аскарларидан (улар тоғ худудида яшовчилардан танлаб олинган) иборат қисмлар ҳам мавжуд бўлган. Темур кўшинларининг ташкил этилиши умуман ва тўлалигича худди Чингизхоннинг ўнлик тузимига мос эди, лекин унга бир канча ўзгаришлар ҳам киритилганди (50 дан 300 кишигача бўлган микдорни ўз ичига олган “кўшин” деб аталувчи бўлинма пайдо бўлганди, йирикрок бўлинмалар – “қуллар”нинг сони ҳам бекарор бўлган).

Енгил отлик ва пиёда кўшинларининг асосий қуроли камон эди. Енгил отлик аскарлар, шунингдек, қилич ёки найза ва болтадан фойдаланишган. Огир курулланган чавандозлар совут қийишган, темир қалпоқ билан химояланишган ва қилич ёки найзаларда жанг қилишган (ўша пайтда ҳамма жойда кенг тарқалган камон ва ўқлардан ташкари). Оддий пиёдалар камон билан курулланган, огир курулланган пиёда аскарлар эса қилич, болта ва гурзилар билан жанг қилишган ҳамда зирх, темир қалпоқ ва қалкон билан химояланишган.

Жанг олди

Амир Темур бетиним харбий юришлар билан ўтказган ўзининг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида (1370 – 1405) йирик империя ташкил этди, унинг чегаралари Шимолий Хиндистондан то Шарқий Анадолигача бориб етган эди. У мусулмон оламининг яққа ҳукмдори бўлишни истаган холда, бирин – кетин ўз ракибларини йўлдан олиб ташлади. Ўша даврда Боязид I Кичик Осиёнинг барча бейликларини ўзига бўйсундириб, Анадўлининг тўлақонли ҳокимига айланишга улгурганди.

Гарбга томон юрар экан Темур Кора Куюнли давлати билан тўкнаш келди, Темур кўшинининг галабаси туркманларнинг йўлбошчиси Кора Юсуфни гарбга Усманийларнинг хукмдори – Боязид тарафга кочишга мажбур килди. Шундан сўнг Кора Юсуф ва Боязид Темурга карши биргаликда курашишга келишиб олишди. Кора Куюнлиларнинг султони билан бутунлай хисобларни тўғирлаб олиш учун Темур Боязиддан Кора Юсуфни топширишини катъийлик билан талаб килади, лекин Боязиднинг рад жавоби Усмонлиларга карши уруш бошлаш учун расмий сабаб бўлди. 1402 йилнинг майида Темур Кичик Осиёга юриш бошлади. Унинг кўшинлари Кемак ва Сивас турк калъаларини ишгол килишди. Бу ерга музокаралар учун турк султони Боязиднинг элчилари ташриф буюради. Элчилар иштирокида Темур ўз кўшинларини кўрикдан ўтказди, унинг сони 140 минг нафарга етар эди. Темур кўшинининг асосий кисмини отлик аскарлар ташкил этарди. Буюк армиянинг бахайбат кўриниши элчиларнинг руhini сўндиради, улар оркали эса турк кўшинларининг ҳам.

Боязид Темурга карши икки баробар кам кўшинни кўя олади. Очик жанг килишдан хавфсираган султон, ўз кўшинларини шимолий Ангор шахрининг тоғ – ўрмонли худудларига жойлаштиради. Темур Ангорни куршаб олади ва хийлакор тактика натижасида Боязидни ялангликка чикишга мажбур килади.

Темур ўзининг харбий юришларида уч халка рамзи туширилган байроқдан фойдаланган. Хиндистон харбий сафари мобайнида кумуш аждахоли кора байроқ кўлланилган. Анкара жангидан олдин уруш майдонида Темур ва Боязид учрашганлиги хакида афсона бор. Боязид Темурнинг байрогига караб, шундай дейди: “Бутун дунё сенга тегишли деб ўйлаш, нақадар сурбетлик!” Унга жавобан Темур, туркларнинг байрогини кўрсатган холда, бундай деган: “Ой менга тегишли деб ўйлашинг, ундан ҳам баттар сурбетликдир”.

Жанг

Турклар тоғлардан тушиши билан Темур Ангор камалини бекор килади ва азгина ўтишни амалга оширгач, Боязид кўшини ҳаракат килаётган йўлга тушиб қолади. Темур султон томонидан анчадан бери маош берилмаётганини, унинг кўшинлари, айниқса анадўли бейлари орасида норозилар кўплигини биларди. У бейларга айгокчилар жўнатади, бу билан уларни ўз томонига огдириб олишни мақсад килганди.

Боязид кўшинини тоғларга орка килиб, ён канотларни оркага чекинтириш йўли билан курганди. Армиясининг марказини кучайтиришга уриниб, султон ён канотларни кучсизлантириб кўяди. Турк кўшинининг чап канотини Стефан Лазаревич кўмондонлигидаги серблар ташкил киларди. Ўнг канотда эса анадўли бейларининг бўлинмалари жойлашган эди. Темур эса, аксинча, кучли ён канотларга ва 30 полкдан иборат танланган аскарларнинг бакувват захирасига эга эди.

Жангни енгил отликлар бошлаб беради, кейин эса Темур кўшинининг ўнг канот сара аскарлари унча кўп бўлмаган серб рицарларига муваффақиятсиз хужумни амалга оширади. Темур ўзининг ўнг канотдаги барча кучларини жангга туширади, лекин серблар зўр бериб каршилиқ кўрсатишади, бу эса Темурнинг тахсинига сазовор бўлади. Чап канотнинг илгорлари дарров муваффақиятга эришади, анадўли бейларининг

бўлинмалари ва 18 минг нафар ёлланган – татарлар ракиб томонга ўтиб кетишади. Шундан сўнг, Темур сербларни асосий кучидан махрум қилиш мақсадида иккинчи қизикнинг бир қисмини жангга қиритади, лекин улар ёриб ўтиб, Боязиднинг бошқа қўшинларига қўшилишни уддалашади.

Ён қанотларни тор мор қилгач, Темур захирасини ҳужумга ташлайди ва туркларни асосий кучини қуршаб олади. Темур қўшинларининг устунлиги қўпчиликни ташкил қиларди. Яничар қириб ташланади, Боязид эса асир олинади.

Ахамияти

Жангдан кейин Кичик Осиёнинг барча қисми Темур қўшинлари томонидан эгаллаб олинади. Мағлубият Усмонийлар империясининг қулашига олиб келди, бу Боязид ўғилларининг ўзаро жанжаллари ва Мустафа Бўрқлужу (Mustafa Bōrklūce, 1408-1417) бошчилигидаги дехқонлар қўзғолони билан биргаликда юз берди. Византиядаги деярли барча ҳудудни қўлдан бой берган мағлубияти туркларнинг ярим асрлик таътилига сабаб бўлди. Боязиднинг мағлубиятидан фойдаланган император Иоанн VII Палеолог, унинг ворисларидан Мармар денгизининг европа қирғоқларини ва Фессалоникани тортиб олди. Қолган қўшинлари билан Сербияга қайтган Стефан Лазаревић, Константинополда (Истанбул) император қўлидан деспот (ахамияти жихатидан шохдан кейин иккинчи ўринда турувчи шахс) унвонини олди. Қўлга қиритган ғалабаси билан Темурни Англия, Франция ва Кастилия қироллари муборакбод этишди. Кастилия элчиси Руй Гонсалес де Клавихо Темур давлатининг пойтахти Самарқандга сафар уюштиради ва кейинчалик Европада уни атрофлича тасвирлаб беради.

Византия империяси

Замонавий тарихий адабиётларда кенг тарқалган нуқтаи назарга қўра, айнан Боязид қўшинларининг мағлубияти сабаб, византия давлатчилиги яна ярим аср амалда бўлган (1453 йилга қадар). Лекин бу айнан шундай эмас. Босқин арафасида Кичик Осиёга шиддат билан бостириб келган туркман қабилалари мўғул ҳужумлари босими остида Эгей денгизи томон ҳаракат қилишади ва юнон – христианларнинг минтақадаги демографик устунлигидан тамомила махрум қилишади. Шунингдек, жанг арафасида турклар ўз тўдалари билан саросима ҳолида усмонлилар назорати остида бўлган Галлиполи орқали Европага қўча бошлашади (1352 йилдан бошлаб), Марица ва Фракия минтақаларига янада зич жойлашади. [3]. Қўпчилик бу ердаги усмонлиларнинг пойтахти – Эдирне шаҳридан бошпана қидиришади (1365 йилдан). Шундай қилиб, Темур юриши қўпроқ болқон Фракиясининг турқлашиши ва мусулмонлашишини тезлаштирди, юнон Константинополини қўшни христиан халқлари массивларидан ажратиб қўйди ва

юзага келган таътилга карамасдан, ўз мустакиллигини саклаб қолишга ҳеч қандай имконият қолдирмади, чунки Византия эндиликда ҳар тарафдан турк ҳукмронлиги қуршовида қолган эди.

Эслатма

↑ David Nicolle & Angus McBride, *Armies of the Ottoman Turks, 1300—1774*, Osprey Publishing, p. 29 «...The size of the two armies are reliably estimated at 140,000 on Timur's side and no more than 85,000 under Sultan Bayezit I...»

↑ Мюллер А. История Ислама, Т. 3, М., 2004., с. 410.

↑ Кинросс Лорд. Расцвет и упадок Османской империи. — М.: КРОН-ПРЕСС, 1999. С. 88-90.

Абу Муслим тайёрлади